

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSC.28.12.2017.PED.58.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДИЛОВА НАРГИЗА ГАЙБУЛЛАЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК
МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Дилова Наргиза Гайбуллаевна Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш	3
Дилова Наргиза Гайбуллаевна Совершенствование механизмов создания среды сотрудничества между субъектами начального образования	22
Dilova Nargiza Gaybullayevna Enhancement the formulation mechanisms of the inter collaborative environment in the process of primary education	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
Dsc.28.12.2017.Ped.58.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДИЛОВА НАРГИЗА ГАЙБУЛЛАЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК
МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2016.2.PhD/Ped 386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ndpi.uz ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Утебаев Тажибай Тилеўмуратович**
педагогика фанлари доктори

Абдимуратов Парахат Сейтмуратович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи Dsc.28.12.2017.Ped.58.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail:nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Қ.К.Оразымбетов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., проф.

И.К.Пирниязов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доц.

Т.Т. Утебаев
Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”¹ долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Бу эса таълим тизимида, жумладан бошланғич таълимда ўқитишнинг илғор технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтиришига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида педагогик ҳамкорлик соҳасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишга доир илмий тадқиқотларга эътибор қаратилган. Бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари асосида бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни шакллантиришни назарда тутувчи таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган таълим жараёнини ташкил этишни ривожлантириш, бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмода.

Ўзбекистон таълим тизимида умумумий ўрта таълимнинг сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдаги кенг қамровли ислохотлар натижасида бошланғич таълимда сифатли таълим хизматлари самарадорлигини ошириш, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида онгли яшашга қодир шахсни камол топтириш ва ривожлантиришни таъминловчи имкониятлар салмоғи кенгайди. Шу билан бир қаторда бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизминини такомиллаштирган ҳолда амалиётга жорий этиш зарурати кўзга ташланмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² белгиланган узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқаришга шароитлар яратиш бўйича вазифалар доирасида бошланғич таълимнинг педагогик ҳамкорлик муҳити ва дидактик хусусиятларини ўрганиш, мазмуни, шакллантириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус,

¹ Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 6 p. 26.P.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й.,6-сон 70-модда

касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сон Қарори белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизимининг асосий бўғини бўлган бошланғич таълимда ўқитиш сифати мониторингини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари муаммоси Р.Джураев, Ш.Қурбонов, У.Иноятов, Р.Аҳлидинов, Э.Сейтхалилов, Р.Каримов, С.Турғунов, бошланғич таълим мазмунини модернизациялаш ва интеграциялаш, шахсга йўналтириш масалалари Б.Адизов, Р.Нуржанова, Г.Ҳасанова, Ҳ.Назарова, педагогик ҳамкорликка оид айрим ёндашувлар педагогик синергетика назарияси таркибида илгари сурилган ҳолда Ж.Йўлдошев, Р.Сафарова, Ш.Абдуллаева, Б.Маъмуров томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида педагогик ҳамкорликка оид айрим ёндашувлар В.Аршинова, В.Буданова, В.Виненко, В.Игнатова, С.Курдюмова, Н.Таланчук, Г.Хакен, И.Пригожин, И.Стенгерс, Г.Николис, А.Климонтович, Л.Гордин, А.А.Ворожбитова, В.Андреевлар, педагогик нуқтаи назарни шакллантириш муаммолари В.Игнатова, Е.Князева, С.Курдюмова, Г.Малинецкий, Л.Макарова, Ю.Шаронин, С.Шевелева, В.Маткин, О.Федоровларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ҳорижда ҳамкорликдаги таълим назарияси Ш.Шарон, М.Монтессори, Р.Ганье, Дж.Бригс, Л.Стросс, Р.Славин, Р.Джонсон, Д.Джонсон, Е.Арасонлар томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, педагогик ҳамкорликка оид ёндашувлар, ўқув жараёнида ўқувчининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга оид илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-1-31247 - рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмини субъектларнинг ҳамкорлик мотивацияси ва ижодий фикрлаш интеграциялашуви, онгли ва коммуникатив фаолият фаоллашувига қаратилган ўқув босқичлари мазмуни асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражасини баҳолаш мезонларининг параметрлари учун ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назоратини амалга ошириш, ўқув вазиятларида дўстона хулқ-атворни намоён этишга оид элементларни аниқлаш;

бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитининг элементлари ва ривожланиш йўналишларидан иборат педагогик ҳамда мулоқотга тайёрлик даражасини аниқлаш мезонларига кўра психологик омилларини аниқлаш;

бошланғич синфларда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган интерфаол методларни ўқув жаранидаги коммуникатив, мотивацион фаолият шакллариининг интеграциялашувига кўра такомиллаштириш, матнни олдиндан белгиланган параметрларга жойлаштириш асосида ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган мақсадли машқларни ишлаб чиқиш ва методик тавсиялар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти умумий ўрта таълим тизимида бошланғич синфларда педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синфларда педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, методи, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизми субъектларнинг ҳамкорлик мотивацияси ва ижодий фикрлаш интеграциялашуви, онгли ва коммуникатив фаолият фаоллашувига қаратилган ўқув босқичлари мазмуни асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражасини баҳолаш мезонларининг параметрлари учун ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назоратини амалга ошириш, ўқув вазиятларида дўстона хулқ-атворни намоён этишга оид элементлар аниқлаштирилган;

бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини ташкил этиш элементлари ўқув жараёнининг ривожланиш йўналишларидан иборат педагогик ҳамда ўқувчиларнинг мулоқотга тайёрлигини намоён этувчи

(рефлексияга мойиллик, когнитив фаоллик, интуицияга эгалик) психологик омилларни тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган интерфаол методлар ўқув жаранидаги коммуникатив, мотивацион фаолият шакллариинг интеграциялашувига кўра такомиллаштирилган ҳамда матнни олдиндан белгиланган параметрларга жойлаштириш асосида ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган мақсадли машқлар ишлаб чиқилган ва методик тавсиялар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш субъектларнинг ҳамкорлик мотивацияси ва ижодий фикрлаш интеграциялашуви, онгли ва коммуникатив фаолият фаоллашувига қаратилган ўқув босқичлари мазмуни такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражасини оширишга хизмат қилувчи, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, унинг босқичлари ва натижаларини педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилишга кўмаклашувчи тавсиялар ишлаб чиқилган;

масофавий малака ошириш мазмунини ишлаб чиқишда қўйиладиган дидактик талаблар асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган методик таъминотни такомиллаштиришга хизмат қилган;

бошланғич синфларда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантиришда ижодий фикрлаш, ишчан мулоқот, танқидий фикрлаш, креативлик даражасини оширишга қаратилган интерфаол методлар такомиллаштирилган ҳамда матнни олдиндан белгиланган параметрларга жойлаштириш асосида ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган “Матн таҳлили” машқи асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олингани, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида қайта ишланганлиги ва асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика фани бошланғич синфларда педагогик ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришга оид қарашлар, назариялар, шунингдек, бошланғич синфларда педагогик ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришнинг мазмуни, шакллари, воситалари, муаллифлик технологиялари, интерфаол усуллар, изланувчанликка асосланган ижодий муҳит каби дидактик шарт-шароитлар, бу соҳага оид илмий ёндашувлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу тавсиялардан ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини такомиллаштириш, бошланғич таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий ривожланишларини янги босқичга

кўтариш ва бошланғич синф ўқитувчилари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тадқиқот доирасида ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этиш имкониятлари ва уни ривожлантириш параметрлари асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар Ф1-ХТ-1-31247 рақамли лойиҳа асосида “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга оид назарий-амалий ёндашувлар” номли монография мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 01-03-сон маълумотномаси). Натижада ундан педагог олимлар, ёш мутахассислар, педагогика олий ўқув юрти талабалари, малака ошириш курсларининг тингловчилари ўз фаолиятида фойдаланган;

масофавий малака ошириш мазмунини ишлаб чиқишда қўйиладиган дидактик талаблар асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган методик таъминоти мазмунига «Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари»га сингдирилган. Халқ таълими вазирлигининг методик ишларни мувофиқлаштирувчи гуруҳи йиғилишининг 2016 йил 30 августдаги 5-сон баёни билан амалиётга жорий қилинган (“Ўзстандарт” агентлигида 2013 йил 5 мартда О'zDSt 2767:2013 3523-қайд рақами билан рўйхатга олинган) (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 01-03-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курси “Мутахассислик фанлар” блокани такомиллаштиришга имкон берган;

таълим жараёнида ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришнинг турли шакллари, технологиялари бўйича тақдим этилган методик манбалар Ф1-ХТ-1-31247 рақамли лойиҳа асосида “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари” номли монография мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 01-03-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқитувчилари, ўқув дастурлари ва дарсликлар муаллифлари, педагогика олий ўқув юрти талабалари учун манба бўлиб хизмат қилган;

бошланғич синфларда ҳамкорликка асосланган педагогик муҳитни вужудга келтириш воситалари, усуллари, матнни олдиндан белгиланган параметрларга жойлаштириш асосида ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган услубий тавсиялар “Бошланғич таълим ва тарбияга инновацион ёндашув” номли услубий қўлланма (ХТХҚТМОМИ илмий кенгашининг 30.02.2014 йил 2-сон қарори) мазмунига сингдирилган. (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 01-03-сон

маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқитувчилари, малака ошириш курси тингловчиларининг касбий компетентлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2011-2018 йиллар давомида 4 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 7 таси республика 3 таси хорижий журналларда, 9 таси республикамиздаги илмий-услубий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 7 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Педагогик ҳамкорликнинг назарий-амалий асослари”** номли биринчи бобида бошланғич синфларда ўқув жараёнини педагогик ҳамкорлик муҳитига асосланган ҳолда шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида асосланган ва бошланғич синф ўқувчиларида ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритилган.

Мазкур бобда **“ҳамкорлик педагогикаси”**, **“ўзаро ҳамкорлик муҳити”** каби тушунчаларнинг музун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик талқин этилган. Педагогик ҳамкорлик таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этишга оид назарий ёндашувлардан бири бўлиб, мазкур назария **“ўқитувчи – ўқувчи”** муносабатини, яъни **“субъект – субъект”** ҳамкорлигини тўғри ташкил этиш ҳодисаси билан боғлиқ бўлган янги дунёқараш бўлиб, ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона муҳитни вужудга келтириш шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгаллиги, бу жараёнда ўқувчилар оддий таълим олувчилар эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг тенг ҳуқуқли, ҳамкорлик асосида жипслашган субъектлари бўлишларига эришилиши баён этилган.

Тадқиқотда педагогик ҳамкорликка йўналтирилган фаолият мустақил билим олиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини

шакллантириш билан бир қаторда, ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш учун ўқув жараёнида ижодкорлик муҳитини вужудга келтириш; ўқувчилар фаолиятини муайян тартиб асосида ташкил этиш; ўқувчилар жамоаси орасида ўзаро дўстона муҳитни вужудга келтириш технологиялари назарий-амалий жиҳатдан ёритилган.

Ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараёнида ўқувчиларга берилган баҳо уларнинг қобилиятлари, имкониятларини аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади; ўқитувчига эса ўқувчиларга нимани, қандай ўргатишга хизмат қиладиган усулларни танлаш имконини беради; ўқувчилар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро алоқа фаоллиги ва ҳамкорлик фаолиятига таъсир кўрсатувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади; ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан қизиқиш ва интилувчанликни вужудга келтиради; ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият натижасида эришган ютуқларини ифодалайди; ўқувчилар фаолияти ҳақида уларнинг ота-оналарига зарур ахборотларни тақдим этади.

Ҳамкорлик жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар гуруҳи “субъект-субъект” муносабатларига киришадилар. Ҳамкорликка оид қатъий талабларнинг ишлаб чиқилганлиги уни ўқув жараёни билан биргаликда амалга ошишига асос бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур метод билан ишлаш ўқитувчидан муайян педагогик-психологик маҳорат ва юқори даражадаги фидойиликни талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич таълим жараёни ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, унда ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этиш имкониятлари ва уни ривожлантириш параметрлари, педагогик ҳамкорлик жараёнининг мазмуни ва уни ташкил этиш принциплари, бошланғич синфларда “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамда “ўқувчилар билан ўқувчилар” орасида ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришнинг педагогик шакллари, усуллари ва методлари ифодаланган.

Ушбу бобда бошланғич синф ўқувчилари учун етакчи фаолият тури ҳисобланган ўқиш-ўрганиш жараёнида “Биргаликда ўқиймиз”, “Кичик гуруҳларда ишлаш” технологиялари, “Т” чизма, “Венн” диаграммаси, “Синквейн”, “Пинбоард” “Ажойиб матн”, “Муҳокама”, матнни олдиндан белгиланган параметрларга жойлаштириш асосида ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган “Матн таҳлили” интерфаол методлари, муаммоли вазиятлар, дидактик ўйинларнинг самараси, уларнинг натижалари келтирилган бўлиб, жамоавий ўйинлар асосида ташкил этилган дарслар ўқувчилар жамоасининг жипслашувини таъминлаши, улар хулқ-атворларининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этиши, шахсий сифатларнинг тизимли тарзда вужудга келишига имкон бериши ёритилган.

Педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш ушбу жараён субъектларидан ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини лойиҳалаштириш; уни ташкил этиш; ўқувчи ҳамда ўқитувчининг ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш; ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини бошқариш ва назорат қилиш; ҳамкорликка асосланган

педагогик фаолиятлар йиғиндисини вужудга келтириш кабиларни камраб олади.

Кузатишлардан аниқланишича, бошланғич синф ўқитувчиларининг 80 фоизи ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга оид педагогик маҳоратларини мавжуд даражасидан кўра юқорироқ баҳолайдилар. Таълим жараёни муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириши ва ҳамкорликка асосланган таълим технологияларини мунтазам ўзлаштириб бориши керак.

Тадқиқотнинг муҳим вазифаларидан яна бири, ўқитувчининг педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга тайёрлигини аниқлаш ва бу масалада унга педагогик ёрдам кўрсатиш муаммосини ҳал этишдан иборат бўлганлиги боис, ўқитувчини ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга тайёрлашда қуйидаги принципларга таяниш мақсадга мувофиқлиги аён бўлди: ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи фаолиятининг мунтазам ўзгарувчан, ривожланувчанлигини таъминлаш, унинг фаолиятида инсоний, демократик, ишчан диалогга киришувчанлик, бағрикенглик, креативликнинг намоён бўлишини таъминлаш; ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга тайёрлигини нафақат унинг натижалари, балки жараённинг ўзи ҳам ифодадай олишига эришиш; ўқитувчининг фаолиятига берилган баҳо нафақат у бажарадиган вазифа, балки педагогик ҳамкорлик ва дўстона муҳитни вужудга келтиришга оид касбий ҳатти-ҳаракатларда ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Педагогик ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда: “ўқитувчи-синф жамоаси”, “ўқитувчи-кичик гуруҳ”, “ўқитувчи-катта гуруҳ”, “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “кичик гуруҳ-кичик гуруҳ”, “кичик гуруҳ-синф” каби ташкилий шакллар намоён бўлади.

Ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий методлари ёрдамида амалга ошириладиган ўзаро ҳамкорликни қиёслаш натижасида педагогик ҳамкорлик жараёнини ташкил этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларга ахборотларни жадал тарзда тақдим қилиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, изланувчанликка асосланган ижодий муҳит яратиш, диалогдан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни турли дидактик ўйинларга жалб қилиш кабилар самарали натижа бериши аниқланди(1-жадвал).

1-жадвал

Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш шаклларида интерфаол методлар орқали амалга ошириладиган ўзаро ҳамкорлик (қиёсий манзара)

Дарс жараёни элементлари	Анъанавий	Ноанъанавий
Ўқитиш муҳити	Расмий, мусобақалашув, ишонч нинг тўлиқсизлиги, баҳо бериш	Норасмий, самимий, ҳамкорлик, ўзаро ишонч руҳида
Режалаштириш	Ўқитувчи масъул	Ўқитувчи ва ҳар бир ўқувчи масъул
Талабларнинг	Ўқитувчи талаб қилади	Ўқувчи, ота-она, ўқитувчи талаби

Кўйилиши		асосида
Масад вазибалар	Ўқитувчи масъул	Ўқувчиларнинг кизиқишлари асосида
Ўқитиш	Ўқитувчи давлат талаблари, ўқув дастури бўйича ўқитади	Давлат талаблари, ўқув дастури бўйича ўқувчиларнинг эҳтиёжи ва имкониятларига мувофиқ
Ўқитиш методлари	Бутун синф билан ёки индивидуал равишда анъанавий методлар орқали ишланади	Гуруҳлар, учликлар, жуфтликларда ишлашга йўналтирилади
Баҳолаш	Қатъий ўрнатилган меъёрлар асосида ўқитувчи баҳолайди	Ўқувчининг ўзи, дўсти, эксперт» ўқувчи ҳамда ўқитувчи баҳолайди.


Ҳамкорликда ўқитиш натижасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг шаклланиши ҳам ташқи, ҳам ички рағбат орқали таъсир этиш орқали амалга ошади. Мазкур жараёнда ўқитувчи (шакллантириш) ва ўқувчи (эгаллаш)нинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзаро ҳамкорликка асосланган муҳитда таълим иштирокчиларининг фаолияти

Ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқитувчи фаолияти	Ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқувчи фаолияти
1.Ўқувчиларда нарса-ходисаларни билишга қизиқишни ҳосил қилиш, жамоавий хулоса чиқаришга ўргатиш	1. Нарса-ходисаларни билишга ижобий мотивацияни ҳосил қилиш бўйича шахсий фаолият, индивидуалликнинг намоён бўлиши
2.Доимий равишда билимларни мустаҳкам лаш ва ўқувчиларни янги билимлар билан таништириш, “субъект-субъект” муносабат ларини ўрнатиш	2.Аввал ўрганилганларини мустаҳкамлаш ва янги билимларни идрок этиш, ўзаро ҳамкорликда янги ахборотга эга бўлиш
3.Ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бош қариш; “Ўқитувчи-ўқувчи-ўқувчилар” триада сида ишлаш	3.Таҳлил этиш, умумлаштириш, таққос лаш, тизимлаштириш
4.Мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берувчи қонуниятларни билиш жараёнини бошқариш	4.Ижодий, мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берувчи қонуниятларни билиш
5.Назарий билимлардан амалий фойдалана олиш жараёнини бошқариш	5.Ижодий, жамоавий фикрлаш кўникма ва малакаларини эгаллаш, уларни тизимлаш тириш
6.Эвристик ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш	6. Юзага келувчи муаммоларни мустақил ҳал этиш бўйича амалий фаолият
7.Ҳамкорликда ишлаш кўникмаларининг ўзгаришларини назорат қилиш ва кейинги ривожини тахмин этиш	7. Ҳамкорликда ишлаш даражасини, ўз-ўзини ташхис этиш

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришда сифатли билим, кўникма, малака эгаллашнинг мақсади ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, мазмун, метод, шакл, восита, натижасида амалга оширилади. Бошланғич синф ўқувчисининг ўзаро ҳамкорлик муҳитида ўқишга тайёрлигини кўрсатувчи бир қатор психологик омиллар мавжуд. (1-расм).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчисининг ўзаро ҳамкорлик муҳитида ўқишга тайёрлигини кўрсатувчи психологик омиллар

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш муайян параметр асосида ўлчанади. Ҳар бир параметр бўйича амалга оширилган фаолият ўзаро ҳамкорлик муҳитида ўқишга тайёргарликни белгиловчи психологик омилларга боғлиқ.

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришда ўқитувчи учун қуйидаги вазифалар аҳмиятли бўлиб ҳисобланади: ҳамкорликка асосланган таълим жараёнининг барча босқичлари ва унинг натижаларини педагогик нуқтаи назардан таҳлил қила олишлари, ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига имкон берадиган таълим жараёнининг мақсади, мазмуни, педагогик воситалари аниқ намоён бўлишини таъминлашлари; таълим мазмуни, ўқитиш методикаси ва технологияларига киритилган янги ўқув элементларини назарий-дидактик жиҳатдан асослаб бера олишлари; олинган натижаларга таянган ҳолда келгусидаги педагогик фаолиятлари, ҳатти-ҳаракатларини тузатиб, такомиллаштириб боришлари талаб этилади.

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларининг такомиллашуви ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнига раҳбарлик қилишида яққол намоён бўлади. Бу ҳолатда уларда ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш мезонларини ўзлаштирганликлари; касбий, шахсий ривожланишини таъминловчи педагогик моделни ҳамкорликка асосланган таълим жараёнида қўллаш олишларида намоён бўлади (2-расм).

**Ўзаро ҳамкорлик муҳитини
яратишнинг педагогик омиллари**



2-расм. Ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратишнинг педагогик омиллари

Ҳамкорлик педагогикаси уйғунлашган дидактик жараёнларни таҳлил қилиш ва ўз фаолиятини ташкил қилиш методларини изчил тадбиқ этишга йўналтирилгандир. Бошланғич синфларда “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамда “ўқувчилар билан ўқувчилар” орасида ҳамкорлик муҳитининг мақсади ва мазмуни шахс онгини шакллантиришга йўналтирилган дидактик жараён сифатида баҳоланади (3-расм). Унда амалга ошадиган ички ўзгаришлар шахс онги структурасининг фаолиятини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, таълим-тарбия сифатига таъсир кўрсатади. Ўқувчи онгида янгича, кучлироқ таркибнинг вужудга келиши унинг ёрдамида билимлар, ахборотлар ва тажрибаларнинг ўзлаштирилишини тақозо қилади.



3-расм. Бошланғич синфларда “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамда “ўқувчилар билан ўқувчилар” орасида ҳамкорлик муҳитининг мақсади ва мазмуни

3-расмда кўрсатилганидек, ўқитувчи таълим-тарбиявий вазифаларни бажарар экан, унинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсири, улар ўзлаштириб, идрок этадиган таълим мазмунининг муайян даражада интеллектуал характерга эга бўлишини тақозо қилади. Ўқитувчи ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирнинг турлича самара бериши замирида уларнинг шахсий хусусиятлари ва билимдонлик даражалари таркиб топади.

Ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқитиш муҳитида ўқувчи шахсига таъсир этувчи ички ва ташқи мотивлар, улардаги ижобий ва салбий омилларни ҳисобга олиш муҳим.(4-расм).



4 – расм. Ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқитиш муҳитида ўқувчи шахсига таъсир этувчи ички ва ташқи мотивлар


Танлов, эркинлик, мустақиллик, ахлоқийлик, ўз фаолиятини амалга ошириш ҳодисаси нафақат ташқи омиллар таъсирининг натижаси, балки ички омиллар, яъни шахс онги, унинг ички мазмуни ва шахсий таркиби билан боғлиқдир. Ички омиллар ўқувчиларнинг мақсадга йўналтирилганлик даражаси, қизиқишлари, ўз фаолиятини амалга оширишга бўлган ихтиёри ҳамда ўз-ўзини тасдиқлашини ифодалайди. Бундай йўналишларни тайёр ҳолда қўлга киритиш мумкин эмас. У ўқувчининг билишга асосланган онгида ҳамкорлик жараёнида янгидан вужудга келиши керак.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларининг самарадорлиги”** номли учинчи бобида бошланғич синфларда “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамкорлигини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда таълим жараёни субъектлари орасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларининг такомиллашуви натижасидаги самарадорлик даражасини ифодаловчи тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда: Тажриба-синов ишлари бўйича аниқловчи (2010-2012), таъкидловчи (2012-2013), шакллантирувчи (2013-2015), яқунловчи (2015-2017) босқич тажриба-синов ишларидан иборат бўлиб, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 286,248-умумий ўрта таълим

мактаблари, Олмазор тумани 249,29,243-умумий ўрта таълим мактаблари, Фарғона вилояти Кўштепа тумани 7,9,15-умумий ўрта таълим мактаблари, Олтиариқ тумани 19-умумий ўрта таълим мактаби, 1-ИДУМ, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 2,17,28,35-умумий ўрта таълим мактаблари, Бухоро туман 1,18-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган.

Тажриба-тадқиқот доирасида ҳамкорликдаги таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашда ҳамкорликнинг муҳим шакли бўлган диалог, суҳбат, баҳс-мунозара, ўзаро мулоқот муҳитини вужудга келтириш учун интерфаол усуллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этди. Натижада ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги билиш фаолиятини самарали шакллантиришга эришилди. “Зинама-зина”, “Синквейн”, “Пинбоард”, “Матн таҳлили”, “Т” чизма, “Тушунчалар таҳлили” ҳамда ролли ўйинлар, муаммоли вазифалар устида ишлаш усулларида фойдаланган ҳолда кичик гуруҳларда ишлаш жараёнлари кузатилиб, таҳлил қилинганида ҳар бир ўқувчи эришган билим, кўникма ва малакаларнинг муайян даражаси, ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши динамик тавсифга эга бўлди. Ўқитувчи ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги қуйи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб борди, дидактик вазифаларни кетма-кет амалга ошириш натижасида “ўқитувчи-синф жамоаси”, “ўқитувчи-кичик гуруҳ”, “ўқитувчи-катта гуруҳ”, “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “кичик гуруҳ-кичик гуруҳ”, “кичик гуруҳ-синф”лар орасидаги муносабат “субъект-субъект” тавсифига эга бўлди. Кичик гуруҳларда ўзаро ҳамкорлик муҳити асосан ўқувчиларда билиш фаоллиги кўрсаткичи сифатида қуйидагиларни намоён этди.(5-расм).



5-расм. Ўзаро ҳамкорлик муҳитида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги кўрсаткичлари

Тажриба-синов ишлари якунида тажриба гуруҳидаги ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакалари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг ҳамкорликка кириша олиш кўникмаларининг самарадорлик даражаси бир қатор мезонлар асосида

аниқланди. Белгиланган мезонлар асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳамкорликка кириша олиш кўникмаларининг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича ўқитувчиларнинг тажриба боши ва якунидаги ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорлик муҳитида ўқув предметларини ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методлари ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синовда 1865 нафар ўқувчилар ҳамда 64 нафар ўқитувчилар қатнашди.

3-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳамкорликка кириша олиш кўникмаларининг самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш натижалари

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба синфи	965	503	383	79
Назорат синфи	900	302	302	296

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, ўзаро ҳамкорлик муҳитидаги фаолият натижасида бошланғич синф ўқувчилари таълим жараёнида кучли мотивацияни ҳосил қилишди, ўқув материаллари шахсий тажриба, билим билан уйғунлаштирган ҳолда ўзлаштирилди.

4-жадвал

Бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этиш маҳоратлари самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба боши ва якунидаги ўзлаштириш натижалари


Гуруҳлар	Ўқитувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба бошида	64	22	21	21
Тажриба якунида	64	35	22	7

Юқоридаги жадваллар асосида ўқитувчилар тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги ҳамда ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланди.


Бу кўрсаткичларга мос диаграммалар қуйидагича кўринишга эга бўлди:

1- диаграмма

